


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

мавзусида Республика миқёсидаги
анъанавий илмий-амалий конференция
материаллари тўплами



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
миқёсидаги илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**

(Тошкент, 16 май 2020 йил)

Тошкент-2020

Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқдосидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Тошкент, 2020 йил 16 май). Т.:ТДШУ, 2020. – 576 б.

Масъул муҳаррир:

Дурбек Сайфуллаев

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Таҳрир хайъати:

С.А. Жўраев сиёсий фанлар доктори, профессор

Р.З. Жумаев сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А. Қосимова сиёсий фанлар доктори, профессор

У.Ю. Идиров сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.Э. Каримова тарих фанлари доктори, профессор

Н.А. Абдуллаев сиёсий фанлар номзоди, доцент

Д.И. Мадаминова сиёсий фанлар номзоди

Такризчилар:

Ш.А. Ёвқочев – Ўзбекистон халқаро ислом академиси проректори, сиёсий фанлар доктори, профессор

Э.С. Султонова – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, сиёсий фанлар доктори

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2020 йил 18 апрель, 2-сонли баённома).

Файзуллаева М. Гуманитарное сотрудничество стран ШОС.....	285
Ходжимуратова Д. Эрон олий таълим муассасаларининг ҳалқаро илмий ҳамкорлиги борасида	291
Худойберганова Д.К. АСЕАН мамлакатларининг можароларни ҳал этишдаги ёндашувлари	294
Хушназарова Л., Жураева К. Трансформация международных отношений и воззрений мыслителей Востока.....	301
Азимов Ҳ.Я. Сурия инқирозининг пайдо бўлиши тарихи ва унинг минтақадаги сиёсий жараёнларга таъсири	310
Ҳайдаров А.А., Исамухамедова Г.С. ШХТ Ўзбекистон нуқтаи назаридан ва уни янада ривожлантириш йўллари	316
Ҳакимов М. XX ва XXI аср бошларида Афғонистонда трансформация жараёнлари	322

2-ШЎҒБА. ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА РАҚАМЛИ СИЁСАТ

Адилходжаева С.М. Реализация и риски инициативы Китая «Один пояс – один путь» в условиях новых реалий.....	332
Азикаева Л.Д., Сайфуллаев Д.Б. Влияние внешнеполитических ресурсов (нематериальных) на развитие Республики Корея.....	339
Алимардонов О.Қ., Амонқулова М.А. Япония халқ дипломатиясининг асосий акторлари.....	345
Бўронов С.М. Эроннинг Афғонистон геосиёсий тенденцияларидаги сиёсати	352
Ёдгоров Ш.М. “Араб баҳори” воқеаларидан кейинги даврда Мисрнинг диний экстремистик ва радикал диний гуруҳларга қарши кураш тажрибаси	358
Ibrokhimov D. Chinese foreign policy towards Afghanistan and its economic implications for Central Asia.....	363
Кадирова Г.Ш. Особенности внешней политики мусульманских стран.....	373
Каримова Д.Д. Центральная Азия и Япония: японско-узбекские дипломатические отношения	378
Мадаминова Д.И. Африка давлатларида хавфсизликни таъминлаш муаммолари: Жазоир мисолида	383

ЭРОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИГИ БОРАСИДА

Ходжимуратова Дилшода
ТДШУ стажёр-тадқиқотчиси

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир давлатнинг ривожланишида халқаро алоқалар муҳим ўрин тутди. Чунки кўплаб соҳалар каби ҳар бир илмий ютуқ ҳам ўзаро ҳамкорлик сабабли янада юқори даражага етиши ва жамият учун фойдали бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир давлат бошқа илмий институтлар, илмий марказлар, илмий тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Эрон ислом давлати ҳам ўзининг илмий тадқиқот ютуқлари, олий таълим даргоҳлари ҳамда аниқ ва табиий фанларда эришган натижари билан чет эллик талабаларни жалб қила олади. Шўз навбатида, Эрон давлати ҳам ўз талабаларини етакчи ҳорижий таълим даргоҳларига илм олгани жўнатмоқда.

Ҳозирги кунда Эрон университетлари дунёнинг турли бурчакларидан талабаларни жалб қилиш учун барча шароитларга эгадир. Шунинг учун у ерга маҳаллий талабалар билан бирга дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган чет эллик талабалар ташриф буюрмоқдалар. Бугунги кунда бундай талабаларни ўқитиш учун қисқартирилган ва тўлиқ университет дастурлари мавжуд. Шу сабабли, мамлакат раҳбарияти, аниқроғи Маданият ва олий таълим вазирлиги, чет элдан келган ҳар бир талабгор учун янада кўпроқ жой таклиф қилиш имкониятига эга.

Сўнгги йигирма йил ичида Эрон университетларида таҳсил олиб қайтган талабалар 120 дан ортиқ мамлакат фуқароларидир. Бу эса Эрон таълим тизимини халқаро миқёсда обрўси ошиб бораётганидан далолат беради. Ҳозирги кунда Эрон университетларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар сони 35 мингдан ошади, уларнинг 50 фоизи сиёсий фанлар факультетларида, 30 фоизи техник ва муҳандислик факультетларида, 17 фоизи тиббиёт факультетларида ва 3 фоизи санъат факультетларида таҳсил олишади.

Эронда ҳорижий талабалар учун махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра чет эл фуқаролари Эронда форс тили

курсларида ўқиш учун қисқа муддатли стипендия олишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, Маданият ва олий таълим вазирлиги форс тилини ўрганмоқчи бўлганларга дарсликлар ва адабиётларни сотиб олишда ёрдам беради.

2016 йилда халқаро ядро санкцияларининг тўхтатилиши ва 2018 йилда қайта тикланишига қарамай, Эрон иқтисодиёти беқарор бўлиб қолмоқда. Ёшлар орасида, ҳаттоки коллеж битирувчилари орасида юқори даражадаги ишсизлик ва малакали фуқароларнинг чет элга кўчирилиши ҳозирги муаммоларнинг фақат иккитасидир. Олий таълим соҳасида аспирантура даража-сидаги жиддий етишмовчилик Эрон фуқароларининг кўп сонини чет элда таълим олишга ундади. Натижада олий таълимдан кейинги таълим учун Эрон давлати АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Голландия, Буюк Британия каби давлатлар таълим институтлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйди. Россия Федерацияси ва Хитой билан ҳам Эрон турли даражаларда сиёсий, маданий, ҳарбий ҳамда илмий жиҳатдан ҳамкорлик ўрнатган. Бу ҳамкорлик асосан аниқ ва табиий фанлар доирасида ўрнатилган.

Эрон фуқароларига чет давлатларга чиқиш имконини берувчи визалар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра 2000-2005 йилларда Эрон фуқароларига берилган 15 824 ноиммиграцион визаларнинг 20 фоизи талаба визалари бўлган (3,323).

Хорижда яшайдиган замонавий эронликлар энг катта концентрациясини Яқин Шарқ, Европа ва Шимолий Америка ўртасида жойлашган бешта мамлакатда топиш мумкин. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатларида бир миллиондан ортиқ эронликлар бор - дунёдаги энг катта Эрон муҳожир аҳолиси. Улар асосан Калифорния, Нью Йорк ва Вашингтон штатларида истиқомат қилади. Кейинги ўринда Бирлашган Араб Амирликлари туради. Чунки БАА Эронга яқинлиги ва Эрон бизнеси ва сайёҳлиги учун қулай марказ бўлганлиги сабабли, қарийб 400 000 эронлик истиқомат қилади. Канада тахминан 120,000 эронликлар билан учинчи ўринда, Қатар ва Германия эса ҳар бири 100 мингга яқин эроний аҳоли билан кейинги ўринларда туради. Эронликлар сони кўп бўлган бошқа давлатлар Швеция,

тахминан 54,000 эронликлар; Буюк Британияда 58000 га яқин эронлик муҳожирлар бор. Туркия ва Австралияда эронликларининг сони ортиб бораётганини айтиб ўтиш керак. Эрондаги қийин иқтисодий аҳвол кўплаб ёш билим эгаларининг мамлакатдан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Iranian Students Abroad 2008-2010						
Year	Top Five Overseas Study Destinations					Total
	First	Second	Third	Fourth	Fifth	
2010	Malaysia (6,588)	USA (4,689)	UK (3,163)	Germany (2,745)	Canada (2,364)	38,380
2009	USA (3,475)	Malaysia (3,475)	UK (2,849)	Germany (2,561)	Canada (2,086)	31,542
2008	USA (3,063)	Malaysia (2,442)	UK (2,400)	Germany (2,231)	Ukraine (1,780)	26,927
Source: UIS GED: 2012, 2011, 2010						

Аммо шунга қарамай, Эрон халқаро илмий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Масалан, 2008 – 2010 йиллар учун маълумотлар шуни кўрсатадики, эронлик талабаларни чет элда ўқиш учун энг кенг тарқалган давлатлар Малайзия, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Канада. Жадвалда кўриб ўтишимиз мумкинки, хорижда таҳсил олаётган эронлик талабалар сони йил сайин ортишда давом этмоқда.

Қўшма Штатлардаги аксарият эронлик талабалар магистратура босқичида таҳсил олишмоқда ва уларнинг сони ўсишда давом этмоқда. Ғарбий Европа университетларида эронлик талабалар ўзини англаш учун кўпроқ имкониятларни, айниқса гуманитар фанларда кўришади. АҚШда яшовчи эронлик муҳожир талабалар орасида социология, тарих фанлари, илмий фаолият, санъатшунослик ва кино, яъни Эронда кам қўллаб-қувватланадиган мутахассисликлар мавжуд. Мамлакатдаги қулай психологик иқлим ва Европа ва АҚШда қўллаб-қувватланадиган университет ходимлари ҳам эронлик ёшларнинг чет элда ўқиш истаги учун сабаблардан ҳисобланади.

Number of Iranian Students in the United States			
Year	Undergraduate	Graduate	Total
2011/12	456	5,747	6,982
2010/11	429	4,696	5,626
2009/10	542	3,773	4,731
2008/09	572	2,639	3,533
2007/08	561	2,189	3,060
2000/01	711	1,023	1,844
1979/80	N/A	N/A	51,310
Source: Institute of International Education, Open Doors			

Ушбу жадвалда АҚШда таълим олган эронлик талабалар сони ва унинг ўзгариш даражаси кўрсатиб берилган. Шубҳасиз, Эронлик талабалар чет элда қаерда ва қайси соҳада ўқишида сиёсий алоқалар катта рол ўйнайди. Сўнгги йилларда АҚШда таҳсил олаётган эронликлар сонининг кўпайиши кузатилмоқда, аммо икки мамлакат ўртасидаги кескинликнинг кучайиши эронлик талабаларнинг АҚШдан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Эрон ислом давлати ҳозирги кунда сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда баъзи ташқи чекловларга эга. Шу сабабли ташқи ҳамкорлик доираси ҳам чеклангандир. Шунга қарамай юқорида келтирилган маълумотларда Эронга чет эллик талабаларнинг келиши, эронлик талабаларнинг эса Европа ва АҚШ да таълим олаётганини кўплаб учратиш мумкин. Шу сабабли, Эрон ислом давлатида халқаро илмий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани ва бу соҳада яна кўплаб ишлар давом этаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

АСЕАН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МОЖАРОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ ЁНДАШУВЛАРИ

Худойберганова Д.К. – ЖИДУ магистранти.

АСЕАН ташкилоти Жануби-Шарқий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда энг муваффақиятли минтақавий ташкилот сифатида эътироф қилинади. Сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ўз аъзоларининг хатти-ҳаракатларини шакллантирадиган нормалар ва қадриятлар тўплами ишлаб чиқилган.